

8-синф дарслигининг «SMM платформалари билан танишиш. Telegram тармоғи» 4-мавзусини веб-квест технологияси асосидаги дарс ишланмасини келтирамиз.

Мавзу: SMM платформалари билан танишиш. Telegram тармоғи

1-босқич. Кириш. Ушбу босқичда (SMM платформалари билан танишиш. Telegram тармоғи) мавзусини веб-квест технологияси ёрдамида машғулот олиб бориш босқичлари тушунтирилади ва дарс якунида ўқувчилар билимини баҳолаш айтилади. Ўқувчиларнинг билими икки босқичда, яъни биринчи босқичда назарий билимлари тестлар ёрдамида баҳоланса, иккинчи босқичда телеграмда яратган шахсий профиллари таҳлил қилиниб баҳолаш тушунтирилади.

2-босқич. Муаммо қўйилади. Ечилиши талаб этиладиган қўйидаги вазифа берилади:

- 1) Телеграм тармоғида рўйхатдан ўтиш;
- 2) Телеграм тармоғини созлаш;
- 3) керакли ўқув воситаларини тўплаш.

3-босқич. Топшириқлар берилади. Мустақил бажариш учун қўйидаги топшириқлар берилади:

- 1) Телеграм тармоғида шахсий профилида расм жошлиштириш;
- 2) Телеграм тармоғида хавфсизлик тизимини созлаш;
- 3) Телеграм тармоғида папкалар ҳосил қилиш;
- 4) Телеграм тармоғида гуруҳли чат ҳосил қилиш;
- 5) Телеграм тармоғида турли лойиҳаларни юритувчи канал ва гуруҳли чатларни қидириб топиш;

4-босқич. Маслаҳат ва тавсиялар бериш. Қўйилган муаммони ечиш ва берилган топшириқни бажариш учун **dr.rtm.uz**, **it-education.uz** ахборот-таълим муҳитларидан фойдаланиш тавсия этилади. Қўйидаги 1-расмда тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим муҳитининг бош ойнаси келтирилган.

The screenshot shows a website layout with a dark blue header containing the logo 'IT-EDUCATION' and the text 'INFORMATION TECHNOLOGY EDUCATION'. Below the header is a navigation bar with links: 'Asosly', 'Tizim haqida', 'Nazoratlar', 'Taqdimotlar', and a search icon. The main content area features a 2x3 grid of boxes. The top row contains three boxes: 'TAQDIMOTLAR' (with a document icon), 'VIDEODARSALAR' (with a video camera icon), and 'NAZORATLAR' (with a checkmark icon). The bottom row contains three boxes: 'RESURSLAR' (with a flag icon), 'TOPSHIRIQLAR' (with a book icon), and 'BAHOLASH' (with a checkmark icon). Each box has a brief description below it.

1-расм. Тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим мухитининг бош ойнаси.

Тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим мухитидан ва Халқ таълим вазирлигининг веб-сайтидан мавзуга оид видеодарслардан фойдаланиб, топшириқларни бажариш мумкин бўлади.

Шунингдек, тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим мухитига жойлаштирилган дарс ишланмаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

The screenshot shows a section titled 'O`qituvchi uchun metodik yordam' (Methodological support for teachers) with a decorative background of a network of glowing blue nodes connected by lines. Below this are four sub-sections, each with an icon and a brief description:

- 4- DARS: SMM PLATFORMALAR BILAN TANISHISH. TELEGRAM TARMOG'I** (Icon: Telegram logo)
- 8- DARS: SMM ASOSIDA TADQIQOT LOYIHALARINI BOSHQARISH. YOUTUBE SAYTI DA KANAL OCHISH** (Icon: YouTube logo)
- 2- DARS: SMM PLATFORMALAR BILAN TANISHISH. FACEBOOK TARMOG'I** (Icon: Facebook logo)
- 14- DARS: CMSDA MAQSADGA YO`NALTIRILGAN WEB-SAYTLARNI YARATISH** (Icon: CMS interface with a character)


2-расм. Тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим мухитининг дарс ишланмалар бўлимининг ойнаси.

Тавсия этилаётган бўлимда ҳар бир мавзуга оид дарс ишланмалар жойлаширилган. Ўқувчилар ушбу бўлимдан амалий топшириқларни бажариш учун керакли маълумотларни олиш имкониятига эга (Ҳар бир амалий дастурларнинг яратиш кетма-кетлиги келтирилган).

5-босқич. Амалий иш жараёни. Ушбу босқичда Телеграм тармоғида рўйхатдан ўтиш, созлаш, гурухли чат ҳосил қилишни ўқувчи мустақил равища яратади. Бу босқичида ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил равища бажаришини назорат қиласи ҳамда зарурий тавсиялар бериб боради.


6-босқич. Хулоса. Ўқувчилар томонидан ташкил этилган шахсий профил ва гурухлари муҳокама қилинади ва умумий хулоса қилинади. Энг яхши профил ва телеграм гуруҳи аниқланади.

7-босқич. Баҳолаш. Мазкур босқичда ўқувчилар билими баҳоланади. Баҳолаш икки босқичда амалга оширилади: 1. Назарий билимлари (тестлар ёрдамида). Ўқувчиларнинг билимини баҳолашда стандарт тестлар ва кроссвордлардан фойдаланилади. Бу тестлар тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим муҳитида мужассамлашган:



3-расм. Стандарт тестлардан фойдаланиш жараёни.

Стандарт тестлар ёрдамида «SMM платформалари билан танишиш. Телеграм тармоғи» мавзуси бўйича ўқувчиларнинг назарий билимлари баҳоланса, кроссвордлар ёрдамида эса уларнинг хотираси кўчайтирилади ва зеҳнини оширишда хизмат қиласи:



YUKLAB OLISH: 4-DARS UCHUN
KROSSWORD

Yuklab olinagan: 9, hajmi: 405.5 KB, sana: 01.03.2022

1. Telegram asoschilaridan biri.
2. Ikki tomon o'tasidagi yozishmalar nima deb ataladi?
3. Chekianmagan miqdordagi abonentlarga xabar yuborish mumkin bo'lgan chat.



4-расм. Кроссвордлардан фойдаланиш жараёни.

Form2

Savolni tanlang	3-savol. Telegram asoschilaridan biri.
3-savol	1. C H A T To'g'ri 2. P A V E L D U R O V To'g'ri 3. N I K O L A Y To'g'ri 4. E Xato 5. G Xato 6. R Xato 7. A Xato 8. M Xato
Natija	Asosiy oyna

5-расм. Кроссвордлардан фойдаланиш жараёни.

Иккинчи босқичда ўқувчилар билими ICILS тестлар ёрдамида баҳоланади. ICILS тестлар ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини ва ёзма нутқини, керакли маълумотларни танлаш қобилиятини ривожлантиради. Шу боис, 8-синф «Информатика ва ахборот технологиялари» дарсларида ICILS тестлардан фойдаланиш самарали ҳисобланади. ICILS тестлардан ўқувчиларнинг билимини баҳолашда икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда «SMM платформалари билан танишиш. Telegram тармоғи» мавзусида оид назарий билимлари текширилади:

INFORMATION TECHNOLOGY
EDUCATION

Asosiy Tizim haqida Nazoratlar Taqdimotlar Metodik yordam Muallif haqida

7 / 7

YUKLAB OLİSH: 4-DARS
Yuklab olingan: 1, hajmi: 5.8 MB, sana: 03.03.2022

Cheklanmagan miqdordagi abonentlarga xabar yuborish mumkin bo'lgan chat.

Выберите ответ

Prev See Result

6-расм. ICILS тестлардан фойдаланиш жараёни.

4-icils

Savol 5 dan 9 Ball: 1 -09:43

Telegram tarmog'ida ro'yxatdan o'tishni ketma-ketlikda joylashtiring.

- Davlat nomi va telefon raqami kiritiladi.
- Ko'satilgan telefon raqamiga kelgan kod teriladi.
- Ilovani ishga tushirib, START MESSAGING tugmachasi tanlanadi.

Orqaga Keyingi savol Tugatish

4-icils

Savol 8 dan 9 Ball: 1 -09:08

Har bir ochiladigan ro'yxatdan bitta to'g'ri javobni tanlang.

Chat - Javobni tanlang:
Maxfiy chat - Javobni tanlang:
Guruhli chat - Javobni tanlang:

Orqaga Keyingi savol Tugatish

7-расм. ICILS тестлардан фойдаланиш жараёни.

Иккинчи босқичда эса амалий билимлари баҳоланади. Ўқувчилар ушбу саволга маҳсус дастурларда яратилган амалий топшириқларни бажариб кўрсатадилар. Бунда қуидаги топшириқлар берилади:

1. Телеграм тармоғига пароль қўйиш учун қайси банддан фойдаланилади?

← Конфиденциальность ×

Конфиденциальность

- Номер телефона
- Последняя активность
- Пересылка сообщений
- Фотография профиля
- Звонки
- Группы и каналы
- Мои контакты

Выберите, кто может добавлять Вас в группы и каналы.

Безопасность


- Заблокированные пользователи 102
- Показать все сеансы 5

Код-пароль

- Включить код-пароль для приложения


8-расм. ICILS тестлардан фойдаланиш жараёни.

2. Телеграм тармоғида қўшимча аккаунт қўшиш учун қайси банддан фойдаланилади?



9-расм. ICILS тестлардан фойдаланиш жараёни.

3. Телеграм тармоғидан чиқиш учун қайси тугма босилади?



10-расм. ICILS тестлардан фойдаланиш жараёни.

Ушбу саволга ўқувчи керакли бандини сичқонча тугмасини босиб кўрсатиб жавоб беради.

ТЕЛЕГРАМ ТАРМОГИДА РЎЙХАТДАН ЎТИШ

Топшириқ:

1. Телеграм иловасини ишга туширинг.
2. Начать общение тугмасини танланг
3. Вход по номеру телефона бандини танланг.
4. Телефон номерни киритинг: 913383992
5. Телефон рақамига келган кодни киритинг: 12345

Мазкур берилган топшириқларни ўқувчилар махсус яратилган ўргатувчи дастурлар ёрдамида амалий бажариб кўрсатадилар:

Topshiriq
Telegram tarmog‘ida ro‘yxatdan o‘tish

1. **Telegram ilovasini ishga tushiring.**
2. **Начать общение tugmasini tanlang**
3. **Вход по номеру телефона bandini tanlang.**
4. **Telefon nomerni kirititing: 913383992**
5. **Telefon raqamiga kelgan kodni kirititing: 12345**

11-расм. ICILS тестлардан фойдаланиш жараёни.

Ўқувчилар бу амалий топшириқларни бажариш асосида Телеграм тармоғида рўйхатдан очишга оид кўнукмага эга бўладилар.

2. «SMM платформалари билан танишиш. Telegram тармоғи» мавзусига оид ўқувчининг билими стандарт, ICILS тестлардан ва кроссвордлар орқали баҳолангандан сўнг, ўқувчилар билими, амалий ишлари таҳлил қилиниб, баҳоланади. Баҳолашда 2.2-жадвалда келтирилган вазифани тушуниш, қуйилган муаммони ва топшириқни бажариш, ишнинг натижаси, ижодкорлик мезонларига таянилади.